

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЮРИСТЛАРНИ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МАРКАЗИ**

“КЕЛИШИЛГАН”

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги хузуридаги
Интеллектуал мулк
агентлиги директори



Т. Абдусатторов

2020 йил “ ” август

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги қошидаги
Юристар малакасини ошириш
маркази директори



А. Рахматов

2020 йил “ ” август,

**ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛКНИНГ
ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ МУҲОФАЗАСИ
ЎҚУВ КУРСИ БЎЙИЧА**

ЎҚУВ ДАСТУРИ

Мутахассислик: Патент вакиллари

Дастур тури: Патент вакилларини қайта тайёрлаш бўйича қўшимча
дастур

Тошкент 2020

Ўқув курсининг номи ва ҳажми Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 24 июнь куни тасдиқланган “Патент вакили” мутахассислиги бўйича Ўқув режага асосан белгиланган.

Фан дастури Юристлар малакасини ошириш маркази Ўқув ва илмий-услубий Кенгашининг 2020 йил 25 августдаги йиғилишида муҳокама қилинган ва маъқулланган (2-сонли баённома).

Ўқув курси дастури Юристлар малакасини ошириш марказида, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 2020 йил “24” январдаги 05-1113-сон Қарори билан жорий этилган “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш марказида юрист кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга қўйиладиган Давлат талаблари” асосида ишлаб чиқилди.

Тузувчилар:

Л. Саидова – Халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари кафедраси муdiri, юридик фанлар доктори;

Ш. Раҳманов – Халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари кафедраси доценти, юридик фанлар номзоди;

Ш. Ганибаева – Халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари кафедраси доценти, юридик фанлар номзоди.

Такризчилар:

1. Юристлар малакасини ошириш маркази директори **А. Раҳматов**;
2. А. Юлдашов – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги бўлим бошлиғи.

Ўқув курси дастури Халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари кафедраси йиғилишида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2020 йил ____ июлдаги ____ - сонли баённома).

ЎҚУВ КУРСИНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ ВА ОЛИЙ КАСБИЙ ТАЪЛИМ ДАСТУРИДАГИ ЎРНИ

Ушбу курс интеллектуал мулк соҳасида халқаро ҳуқуқ, муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар, саноат мулки объектлари, ихтиро ва фойдали моделларни чет элда патентлаштириш тартиби, товар белгисини чет элда рўйхатдан ўтказиш масалалари, интеллектуал мулкни ҳимоя қилишда иштирок этувчи халқаро ташкилотларнинг фаолияти ҳамда интеллектуал мулк ҳуқуқига оид универсал халқаро-ҳуқуқий актлар тизими каби масалаларни камраб олган. Шунингдек, мазкур курснинг предметини ўрганиш жараёнида интеллектуал мулк ҳуқуқини халқаро-ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган Ўзбекистоннинг икки томонлама шартномаларини ўрганиш асосий мақсад қилинган.

“Интеллектуал мулкнинг халқаро-ҳуқуқий муҳофазаси” курси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 24 июнь куни тасдиқланган “Патент вакили” мутахассислиги бўйича Ўқув режанинг ихтисослик фанлари блокига киритилган курс бўлиб, патент вакили сифатида фаолиятни амалга ошириш истагини билдирган жисмоний шахс – патент вакилликка номзодларга (кейинги ўринларда – номзод деб юритилади) ўқитилади.

ЎҚУВ ФАНИНИНГ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАСИ;

Ўқув курсини ўқитишдан мақсад – номзодларга интеллектуал мулк соҳасида халқаро ҳуқуқ, муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар, саноат мулки объектлари, ихтиро ва фойдали моделларни чет элда патентлаштириш тартиби, товар белгисини чет элда рўйхатдан ўтказиш масалалари, интеллектуал мулкни ҳимоя қилишда иштирок этувчи халқаро ташкилотларнинг фаолияти ҳамда интеллектуал мулк ҳуқуқига оид универсал халқаро-ҳуқуқий актлар тизими бўйича асосий билимларни ўргатишдан иборат.

Ушбу мақсадга эришиш учун ўқув курси номзодларнинг назарий билимлар, амалий кўникмалар, умумйурidik фанларга услубий ёндашув ҳамда илмий дунёқарашини шакллантириш вазифаларини бажаради.

Ўқув курси бўйича номзодларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйдаги талаблар қўйилади.

Номзод:

– интеллектуал мулк соҳасида халқаро ҳуқуқ, интеллектуал мулкни ҳимоя қилишда иштирок этувчи халқаро ташкилотларнинг фаолияти, интеллектуал мулк ҳуқуқини халқаро-ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган Ўзбекистоннинг икки томонлама шартномалари ҳақида **тасаввурга эга бўлиши;**

– саноат мулки объектлари, ихтиро ва фойдали моделларни чет элда патентлаштириш тартиби, ҳақида назарий ва амалий **билимларга эга бўлиши;**

– товар белгисини чет элда рўйхатдан ўтказиш ҳамда интеллектуал мулк ҳуқуқига оид универсал халқаро-ҳуқуқий актларни қонунчилик доирасида қўллаш қўникмасига эга бўлиши лозим.

Ўқув курсининг ҳажми: курсни ўрганиш учун 40 соат, шундан: маъруза учун – 20 соат ва семинар учун – 20 соат ажратилган.

“Интеллектуал мулкнинг халқаро-ҳуқуқий муҳофазаси”

ўқув курсидан

МАВЗУЛАР РЕЖАСИ

№	Машғулотларнинг мавзуси	Жами ўқув соатлари	Шу жумладан,			
			Маъруза	Семинар	Амалий машғулот	
1	Интеллектуал мулк соҳасида халқаро ҳуқуқнинг устуворлиги ва ўзига хос жиҳатлари	2	2	-	-	
2	Интеллектуал мулк ҳуқуқини халқаро-ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган Ўзбекистоннинг икки томонлама шартномалари	4	2	2	-	
3	Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар соҳасидаги халқаро шартномаларнинг мазмун-моҳияти	4	2	2	-	
4	Саноат мулки объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш соҳасидаги халқаро шартнома ва битимлар	4	2	2	-	
5	Ихтиро ва фойдали моделларни чет элда патентлаштириш тартиби. е-РСТ тизимининг моҳияти	6	4	2		
	Оралик назорат	2	-	2		
6	Мадрид битимига баённома асосида товар белгисини чет элда рўйхатдан ўтказиш	2	2	-	-	
7	Интеллектуал мулкни ҳимоя қилишда иштирок этувчи халқаро ташкилотларнинг фаолияти	4	2	2	-	
8	Интеллектуал мулк ҳуқуқига оид халқаро шартномаларнинг Ўзбекистонда ижро этилишини мониторинг қилиш	4	2	2	-	
9	Интеллектуал мулк ҳуқуқини халқаро доирада ҳимоя қилишда халқаро ташкилотларнинг иштироқи	4	2	2	-	
	Якуний назорат	4	-	4	-	
	ЖАМИ	40	20	20	-	

АСОСИЙ НАЗАРИЙ ҚИСМ (МАЪРУЗА МАШҒУЛОТЛАРИ)

1-Мавзу. Интеллектуал мулк соҳасида халқаро ҳуқуқнинг устуворлиги ва ўзига хос жиҳатлари

Интеллектуал мулк соҳасида ҳамкорлик. Интеллектуал мулк соҳасидаги халқаро тузилмалар. Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти. Интеллектуал мулк соҳасидаги халқаро-ҳуқуқий тизим. Товар белгилари тўғрисидаги қонунлар бўйича битим. Берн Конвенцияси, Локарно келишуви, Мадрид протоколи. Халқаро тан олиш бўйича Будапешт протоколи. Саноат мулки ҳимояси тўғрисидаги Париж Конвенцияси.

2-Мавзу. Интеллектуал мулк ҳуқуқини халқаро-ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган Ўзбекистоннинг икки томонлама шартномалари

Интеллектуал мулк ҳуқуқини халқаро ҳимоя қилишга қаратилган икки томонлама шартномаларнинг хусусиятлари. Ўзбекистон иштирок этаётган икки томонлама ҳукуматлараро халқаро шартномалар. Икки томонлама халқаро шартномаларни амалда қўллаш муаммолари.

3-Мавзу. Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар соҳасидаги халқаро шартномаларнинг мазмун-моҳияти

Адабий ва санъат асарлари тўғрисидаги Берн шартномаси, Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг “интернет шартномалари”. Аудиовизуал асарлар тўғрисидаги Пекин шартномаси.

4-Мавзу. Саноат мулки объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш соҳасидаги халқаро шартнома ва битимлар

Саноат намунасини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Париж конвенцияси. Патент ҳуқуқи тўғрисидаги шартнома. Саноат намуналарини халқаро рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги Гаага битими.

5-Мавзу. Ихтиро ва фойдали моделларни чет элда патентлаштириш тартиби. e-РСТ тизимининг моҳияти

Патент маълумотлари: патент ҳужжатларини аниқлаш, уларнинг турлари ва хусусиятлари ва стандартлаш; патент идораларининг расмий нашрлари ва уларнинг тизими; патент маълумотларидан фойдаланиш; электрон патент-маълумот ресурслари ва маълумотлар базалари; патент-маълумот таъминоти. e-РСТ тизими.

ОРАЛИҚ НАЗОРАТ

Ўқув дастурининг 1-5 – мавзулари бўйича тест шаклидаги оралик назоратларни ўтказиш ва баҳолаш, бу турдаги оралик назоратни ўтказиш бўйича методик материаллар асосида амалга оширилади.

6-Мавзу. Мадрид битимига баённома асосида товар белгисини чет элда рўйхатдан ўтказиш

Товар белгисини хорижда муҳофаза қилиш тартиби. Мадрид тизимининг аҳамияти. Патент вакилларининг хорижда товар белгисига талабнома топшириш билан боғлиқ ҳаракатлари.

7-Мавзу. Интеллектуал мулкни ҳимоя қилишда иштирок этувчи халқаро ташкилотларнинг фаолияти

Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг ваколатлари ва фаолият кўрсатиш мезонлари. Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг ички тузилмаси. Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотида Ўзбекистон иштироқи. Европа патент ташкилотининг ваколатлари. Европа патент уюшмасининг органлари. Европа патент уюшмаси, маъмурий органлар. Евроосиё патент ташкилотининг мақсадлари, вазифалари. Евроосиё патент ташкилотининг ўзига хос хусусиятлари. Европа Инттифоқининг интеллектуал мулк бўйича ташкилотининг ишлаш тамойиллари, вазифалари.

8-Мавзу. Интеллектуал мулк ҳуқуқига оид халқаро шартномаларнинг Ўзбекистонда ижро этилишини мониторинг қилиш

Ўзбекистон Республикасининг интеллектуал мулк ҳуқуқига оид халқаро шартномаларда аъзолиги бўйича мажбуриятлари. Халқаро ташкилотларнинг ҳуқуқий актлари вауларнинг миллий қонунчиликда қўлланилиши.

Халқаро шартномаларнинг принциплари ва режимларига риоя этиш. Халқаро шартномаларнинг бажарилиши мониторинг қилувчи органлар ва уларнинг мажбуриятлари. Халқаро шартномаларни мониторинг қилиш йўллари ва мониторинг натижаларини кўриб чиқиш. Ўзбекистоннинг интеллектуал мулк ҳуқуқига оид мажбуриятларини бажариш орқали халқаро доирада рейтингини ва имижини кўтариш.

9-Мавзу. Интеллектуал мулк ҳуқуқини халқаро доирада ҳимоя қилишда халқаро ташкилотларнинг иштироқи

Жаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг соҳага оид халқаро универсал ҳужжатларнинг маъмурий бошқаруви. Жаҳон савдо ташкилотининг интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишдаги иштироки. ЮНЕСКОнинг интеллектуал мулк объектларининг ҳуқуқий муҳофазасини таъминлашдаги иштироки.

СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАРИ БЎЙИЧА КЎРСАТМА ВА ТАВСИЯЛАР

Семинар машғулотлари учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

Интеллектуал мулк соҳасида ҳамкорлик ва бу соҳадаги халқаро тузилмалар.

Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотини таъсиси этувчи конвенция.

Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг ваколатлари ва фаолият кўрсатиш мезонлари.

Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотида Ўзбекистоннинг иштироки.

Интеллектуал мулк соҳасидаги халқаро-ҳуқуқий тизим.

Локарно келишуви.

Товар белгиларига оид Мадрид протоколи.

Халқаро тан олиш бўйича Будапешт протоколи.

Саноат мулки ҳимояси тўғрисидаги Париж Конвенцияси.

Интеллектуал мулк ҳуқуқини халқаро ҳимоя қилишга қаратилган икки томонлама шартномаларнинг хусусиятлари.

Ўзбекистон иштирок этаётган икки томонлама ҳукуматлараро халқаро шартномалар.

Икки томонлама халқаро шартномаларни амалда қўллаш муаммолари.

Адабий ва бадиий асарлари тўғрисидаги Берн шартномаси.

Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг “интернет шартномалари”.

Аудиовизуал асарлар тўғрисидаги Пекин шартномаси.

Саноат намунасини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Париж конвенцияси.

Саноат намуналарини халқаро рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги Гаага битими.

Патент маълумотлари: патент ҳужжатларини аниқлаш, уларнинг турлари ва хусусиятлари ва стандартлаш; патент идораларининг расмий нашрлари ва уларнинг тизими; патент маълумотларидан фойдаланиш; электрон патент-маълумот ресурслари ва маълумотлар базалари; патент-маълумот таъминоти.

е-РСТ тизими.

Товар белгисини хорижда муҳофаза қилиш тартиби.

Мадрид тизимининг аҳамияти.

Патент вакилларининг хорижда товар белгисига талабнома топшириш билан боғлиқ ҳаракатлари.

Европа патент ташкилотининг ваколатлари.

Европа Иттифоқининг интеллектуал мулк бўйича ташкилотининг ишлаш тамойиллари, вазифалари.

Халқаро шартнома ва битимларнинг мазмуни.

Халқаро ташкилотларнинг ҳуқуқий актлари. Халқаро актларнинг миллий қонунчиликда қўлланилиши.

Интеллектуал мулк ҳуқуқига оид халқаро-ҳуқуқий актлар тизими.

Халқаро-ҳуқуқий актлар миллий қонунчиликнинг бўғини сифатида.

Жаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг соҳага оид халқаро универсал ҳужжатларнинг маъмурий бошқаруви.

Жаҳон савдо ташкилотининг интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишдаги иштироки.

ЮНЕСКОнинг интеллектуал мулк объектларининг ҳуқуқий муҳофазасини таъминлашдаги иштироки.

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ ВА МУСТАҚИЛ ИШЛАР

Мустақил таълим учун тавсия этиладиган мавзулар:

1. Интеллектуал мулк соҳасида халқаро ҳуқуқнинг устуворлиги ва ўзига хос жиҳатлари.

2. Интеллектуал мулк ҳуқуқини халқаро-ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган Ўзбекистоннинг икки томонлама шартномалари.

3. Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар соҳасидаги халқаро шартномаларнинг мазмун-моҳияти.

4. Саноат мулки объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш соҳасидаги халқаро шартнома ва битимлар.

5. Ихтиро ва фойдали моделларни чет элда патентлаштириш тартиби. “e-РСТ” тизимининг моҳияти.

6. Мадрид битимига баённома асосида товар белгисини чет элда рўйхатдан ўтказиш.

7. Интеллектуал мулкни ҳимоя қилишда иштирок этувчи халқаро ташкилотларнинг фаолияти.

8. Интеллектуал мулк ҳуқуқига оид универсал халқаро-ҳуқуқий актлар тизими.

9. Интеллектуал мулк ҳуқуқини халқаро доирада ҳимоя қилишда халқаро ташкилотларнинг иштироки.

ЎҚУВ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ АМАЛИЁТЛАРИ

(Ўқув режасида кўзда тутилмаган)

ЎҚУВ ДАСТУРИНИ ЎЗЛАШТИРИШ ВА ТАЪЛИМ ЖАРАЁНЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЎҚУВ ВА ЎҚУВ-МЕТОДИК МАТЕРИАЛЛАР

Тасдиқланган навбатчилик жадвалига мувофиқ кафедралар профессор-ўқитувчилари тингловчиларга маслаҳатлар бериб борадилар.

Ўқув материаллари:

маъруза фондлари (шу жумладан, электрон шаклдаги) ва курс бўйича ўқув қўлланма, тарқатма материаллар;

мультимедиа материаллари (слайдлар, презентациялар ва ҳ.к.).

Ўқув материаллари Ахборот-ресурс маркази ва кафедраларда босма ҳамда электрон шаклда сақланади.

Ўқув-методик материаллар:

тест (ёки назорат саволлари) ёхуд масофавий топшириқлар;

амалий топшириқлар (масалалар ёки казус ва ҳ.к.).

Ўқув дастурини амалга ошириш учун зарур техник таъминои:

шахсий компьютер – ўқитувчининг автоматлаштирилган иш жойи;

“ppt (pptx)”, “doc (docx)”, “xlsx”, “mp3” ва бошқа ҳ.к. форматдаги файллар билан ишлаш учун дастурий таъминотлар;

мультимедиа қурилмаси, экран ёки смар-телефон.

ЯКУНИЙ НАЗОРАТ

Ўқув дастурининг барча мавзулари бўйича суҳбат (ёзма иш) шаклидаги якуний назоратларни ўтказиш ва баҳолаш, “Интеллектуал мулкнинг халқаро-ҳуқуқий муҳофазаси” курсидан якуний синовларни (синов ва суҳбат қабул қилиш) ўтказиш методикаси ва уларни қабул қилиш учун топшириқ ва саволларни назарда тутувчи, тингловчиларда жавоб варақалари мавжуд бўлиши белгилаб қўйилган методик материаллар асосида амалга оширилади.

АСОСИЙ ВА ҚЎШИМЧА ЎҚУВ АДАБИЁТЛАР ҲАМДА АХБОРОТ МАНБААЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари:

Шавкат Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 692 б.

Шавкат Мирзиёев. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2018. – 508 б.

Шавкат Мирзиёев. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2019. – 400 б.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2020 йил 24 янв.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2019.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси. – Т., 2019.

Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси. – Т., 2020.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. – Т., 2019.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси. – Т.: Адолат, 2018.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Биринчи қисм. – Т.: Адолат, 2015.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси. – Т.: Адолат, 2018.

Ўзбекистон Республикасининг "Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида"ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 2002.

Ўзбекистон Республикасининг “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида” қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 2001.

Ўзбекистон Республикасининг “Интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида” қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 2002.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 март “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5953-сон фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 февраль «Интеллектуал мулк соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-4168-сон қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 июль «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-4380-сон қарори.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 20 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги 609-сон қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 август “Маданият ва санъат ташкилотлари, ижодий уюшмалар ва оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада ривожлантириш, соҳа ходимлари меҳнатини рағбатлантириш бўйича қўшимча шароитлар яратишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3201-сон қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 май “Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ 5997-сон фармони.

Халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар:

Бутунжаҳон Интеллектуал Мулк Ташкилотини таъсис этадиган конвенция. – М., 1978.

Саноат мулкани муҳофаза қилиш бўйича Париж Конвенцияси. – М., 1883.

Белгиларни халқаро рўйхатдан ўтказиш тўғрисида Мадрид Битими. – М., 1967.

Патент кооперацияси тўғрисида Шартнома. – М., 1970.

Товар белгилари бўйича қонунлар тўғрисида Шартнома. – М., 1994.

Халқаро патент таснифи тўғрисида битими. – М., 1971.

Белгиларни рўйхатга олиш учун товарлар ва хизматларни халқаро таснифлаш тўғрисида Ницца битими. – М., 1957.

Бадиий ва адабий асарларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги Берн конвенцияси. – М., 1971.

Саноат намуналарининг халқаро таснифини таъсис этиш тўғрисида Локарно битими. – М., 1968.

Патент ҳуқуқи тўғрисида Шартнома. – М. отношения, 2000.

Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг Муаллифлик ҳуқуқи бўйича шартномаси. – М., 1997.

Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг Ижролар ва фонограммалар бўйича шартномаси. – М., 1997.

Махсус адабиётлар:

Абдуллин А.И. Интеллект и право: правовая охрана интеллектуальной собственности : Учебное пособие. – М., 2001.

Акрамходжаева З.С. Интеллектуал мулк ҳукукини химоя қилишнинг такомиллаштириш истиқболлари. –Т.:ТДЮИ. 2008.

Белов В.В., Виталиев Г.В., Денисов Г.М.. Интеллектуальная собственность. Законодательство и практика его применения. – М., 2002.

Близнец И.А. Правовое обеспечение интеллектуальной собственности. – М., 2000.

Богуславский М.М. Международное частное право. – М., 2000

Халқаро хусусий ҳуқуқ. Дарслик. -Т.: ТДЮИ, 2006

Гришаев С.П. Интеллектуальная собственность. Учебное пособие. – М., 2008.

Зокиров И.Б.. Ўзбекистон Фуқаролик ҳуқуқи. – Т., 2006.

Кальягин В.О. Интеллектуальная собственность (Исключительные права). Учебник. – М., 2000.

Имомов Н.Ф. Нанотехнологияларнинг ҳуқуқий асослари. Монография. – Т.: ТДЮУ, 2015.

Имомов Н.Ф. Интеллектуал мулк ҳуқуқининг янги объектлари. – Т.: ТДЮИ, 2011.

Имомов Н.Ф. Интеллектуал мулк объекти сифатида янги нав ва зотнинг ҳуқуқий мақоми. – Т.: ТДЮИ, 2010.

Имомов Н.Ф. Селекция ютуқларига бўлган ҳуқуқ./Фуқаролик ҳуқуқи. Иккинчи қисм. Дарслик.– Т.: Илм-Зиё, 2008.

Имомов Н.Ф. Интеллектуал мулк ҳуқуқи. Ўқув қўлланма. –Т.: ТДЮИ. 2008. -

Мэггс П.Б., Сергеев А.П. Интеллектуальная собственность. – М., 2000

Окюлов О. Интеллектуал мулк ҳуқуқи: умумий қоидалар ва алоҳида объектлар. Дарслик. – Т., 2003.

Окюлов О. Интеллектуал мулк ҳуқуқий мақомининг назарий ва амалий муаммолари. – Т., 2004.

Окюлов О. Инновациянинг моҳияти ва ҳуқуқий тартибга солишнинг умумий таснифи. Интеллектуал мулк ҳуқуқи: ривожлантириш истиқболлари. – Т., 2012.

Раҳмонқулов Ҳ.Р. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг биринчи қисмига умумий тавсиф ва шарҳлар. I-жилд. – Т., 1997.

Ташпулатова Л.Х. Давлат эҳтиёжлари учун яратилган саноат мулки объектларининг ҳуқуқий режими. Монография. – Т.: ТДЮИ, 2008.

Тошев Б.Н. Халқаро ташкилотларнинг муаллифлик ҳуқуқига оид актларининг ҳуқуқий мақоми. – Т., 2007

Тошев Б., Худайбердиева Г. Муаллифлик ҳуқуқи тизимида турдош ҳуқуқларни муҳофаза қилиш. – Т., 2010

V. Веб-сайтлар:

<http://Allpravo.ru>

<http://www.lawportal.ru>

<http://www.legislature.ru>

<http://www.law-and-politics.com>.

<http://www.cer.uz>

<http://www.gov.uz>

<http://www.gki.uz>

<http://www.gsl.uz.org>

<http://www.Lex.uz>

<http://www.wipo.org>